O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 4 декабрь, № 235 (4645) Пайшанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона (кейинги ўринларда – ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилади;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларидан ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади;

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

3. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача – 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача – 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда – 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

(Давоми 2-бетда).

# БОШ МАҚСАД – МАМЛАКАТ РАВНАҚИ

**Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилади.**



***Мамлакатимиз юқори палатасининг ўн олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор йигирмадан зиёд масалани кўриб чиқадилар. Чунончи, айрим соҳаларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берадиган, шунингдек, амалдаги қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонунлар муҳокама қилинади. Шу билан бирга, Сенат ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кун тартибидан ўрин олган.***

**Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади.**

— Ўн олтинчи ялпи мажлис мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим саналар арафасида ўтказилаётир, — дейди Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси Алишер Султонов. — Чунки шу кунларда биз нафақат Конституция кунини, балки Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини ҳам кенг нишонлаймиз. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг шаъни, қадр-қимматини ҳимоялаш бўйича кенг миқёсли ишлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётир. Тадбирлар дастури асосида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлайдиган қонунчилик соҳасини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш борасида ҳам талайгина ишлар қилинаяпти. Хусусан, қўмитамиз бевосита инсон ҳуқуқи, унинг шаъни, қадр-қимматига дахлдор қатор халқаро ҳужжатларга мамлакатимизнинг қўшилишини кўзда тутувчи қонунларни сенаторлар эътиборига ҳавола этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протокол, шунингдек, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига ва болалар савдоси, фоҳишабозлиги ҳамда порнографиясига тааллуқли факультатив протоколларга қўшилиши ҳақидаги қонунлар шулар жумласидандир. Шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг замирида Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати мужассам.

(Давоми 2-бетда).



# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Кеча, 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг ўн олтинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлисда кўриб чиқиш мўлжалланаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар бўйича қарорлар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирмадан ортиқ масалани, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масалани, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши тўғрисидаги бир қатор масалаларни кўриб чиқиш назарда тутилаётганлиги қайд этилди.

"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, шунингдек, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам кўриб чиқилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кенгаш кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

* * *

Шу куни Сенатнинг барча олтита қўмитасида мажлислар ўтказилиб, уларда ўн олтинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисларда юқори палатанинг бўлажак ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифалари асосида ишлаб чиқилганлиги ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодиёт ва унинг айрим тармоқлари ҳамда минтақалар макроиқтисодий ва молиявий мутаносиблигини таъминлашга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари ҳам суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг амнистия актини қўллаш тартибини, ижро иши юритишни такомиллаштириш ҳамда адвокатура институти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ қисмини чуқурлаштиришга, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини тақсимлаш тартибини жорий этишга қаратилган қонунларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида сенаторлар суғурталовчиларга қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини бериш, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қонунларни кўриб чиқдилар.

(Давоми 2-бетда).

**8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ




***Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.***

Истиқлол йилларида юртимизнинг барча соҳаларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида, аввало, ана шундай эзгу тамойиллар мужассамдир. Муҳими, улар нафақат жамият, балки ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топаётгани турмушимизда яққол намоён бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятига бағишланган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги масъул ходимлари ҳамда нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б. Мирбобоев, Бош прокурор ўринбосари Ҳ. Ҳалимов ва бошқалар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, мамлакатни модернизация қилишга қаратилган вазифаларни бажаришга қодир давлат органларининг самарали тизими яратилганини таъкидладилар.

Давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги эса мансабдор шахсларнинг масъулияти, маънавиятига боғлиқдир. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш тамойилидан бири — давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги давлат органлари ва мансабдор шахсларга катта масъулият юклайди.

Мамлакатимизда ислоҳотлар доирасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётганлиги демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилмоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Нукус шаҳрида Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиянинг минтақавий мажлиси бўлиб ўтди.

# ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев бошқарган йиғилишда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, тегишли вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Қарор ва ижро**

Одам савдоси бугунги кунда дунё миқёсида ташвишли муаммолар сирасига киради. Ҳар йили минглаб инсонлар ушбу мудҳиш иллатнинг қурбонига айланмоқда. Бу муаммо бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаётгани, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар оқибатида кўплаб юртдошларимиз азият чекаётгани ҳар биримизни огоҳликка чорлаши зарур.

Мамлакатимизда бу нохуш иллатнинг олдини олиш, унинг аянчли оқибатларини бартараф этиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан шу йилнинг апрель ойида қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг 8 июлда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2008** йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида "Ёшлар йили" Давлат дастурини амалга ошириш ишларига **1103,2** миллиард сўм маблағ сарфланди.



Улкан ҳажмдаги ушбу маблағ Ўзбекистон ёшларининг орзу-мақсадлари ушалишига, эзгу манфаатларининг рўёбга чиқишига, уларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожланишини янги босқичларга кўтариш учун энг замонавий шарт-шароитлар яратилишига йўналтирилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

5. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилсин:

улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш.

6. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлари татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилсин, акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно.

7. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси "Ер-геодезкадастр" давлат қўмитаси, Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисоий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИИЗни жойлаштириш учун зарур бўлган ер майдони бўйича, унинг чегаралари аниқ кўрсатилган ҳолда, таклифлар киритсин;

бир ой муддатда, танланган ер участкаси маъқуллангандан кейин, уни эркин индустриал-иқтисодий зона яратиш мақсадида белгиланган тартибда ажратсин, уни зарур кадастр материаллари билан расмийлаштирсин ҳамда ЭИИЗ Маъмурий кенгашига у фаолият кўрсатадиган муддатга фойдаланиш ва бошқариш учун берсин;

2009 йил 1 мартгача бўлган муддатда мазкур зона ҳудудини барпо этишнинг, шу жумладан зарур муҳандислик коммуникациялари ва сервис хизматларини ташкил этишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

2010 йил 1 январгача бўлган муддатда эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Бош режасини ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона тўғрисидаги Низомни тасдиқласин ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин;

2009 йил 1 январгача бўлган муддатда Навоий вилоятидаги эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тезкор бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш вазифаларини амалга ошириш учун ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашини ташкил этсин;

уч ой муддатда иловага мувофиқ рўйхат бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

9. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгашига:

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган Эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга маблағларни назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 2 декабрь



# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари томонидан мамлакат Қуролли Кучларида муддатли хизматни ўташ шароитларини такомиллаштиришни, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутувчи қонунлар кўриб чиқилди.

Ташқи сиёсат масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг айрим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши ҳақидаги бир қанча қонунлар кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги, «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда бошқа бир қатор қонунларнинг маъқулланиши мамлакатимиз инсонпарварлик ғояларига ҳамда болаларни қуролли можароларда қатнашишдан муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига қарши курашда ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, шунингдек, радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш ва уларни ташиш соҳасидаги халқаро муносабатларни тартибга солиш йўлига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди деб қайд этилди. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг бир қатор хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг аъзолари ҳам Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Мажлисларда 2008 йилнинг ўтган даврида сенаторлар амалга оширган ишларнинг якунлари кўриб чиқилди ҳамда Сенат қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# БОШ МАҚСАД – МАМЛАКАТ РАВНАҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳақиқатан ҳам, бу галги анжуманимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилган муҳим ҳужжатларни муҳокама этамиз, — дея суҳбатимизга қўшилди сенатор Аҳмад Ҳакимов. — "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ҳам мана шу мақсадга қаратилган. Унга биноан, гумон қилинувчи, айбланувчининг тергов ёки судда ҳимоя қилиниш ҳуқуқи кенгайтирилмоқда. Бу, табиийки, инсон ҳуқуқларини суд орқали таъминлашга хизмат қилади. Масалан, улар ушлаб турилгани ёки турган жойи тўғрисида танишларига хабар бериши ва бундай ҳолатда телефон хизматидан фойдаланиши кафолатланмоқда. Шунингдек, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳимоячи иштирокини таъминлаш тўғрисидаги қарорига жавобан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбарига тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячини таъминлаш мажбурияти киритилди. Бу ҳолат, аввало, адвокатлик тузилмаларига ҳимоячи



иштирокини ўз вақтида таъминлаш мажбуриятини юклайди. Қолаверса, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи тўлиқ кафолатланади.

— Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети ҳам муҳокама қилинади, — суҳбатни давом эттирди Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Гулсанам Шокаримова. — Дарҳақиқат, у олдингилари сингари, аввало, аҳоли даромадини кўпайтириш ва солиқ ставкаларини пасайтириш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган. Мисол учун, янги йилдан жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкалари пасайтирилади. Амалдаги даромад солиғи шкаласи бўйича энг кам иш ҳақининг 6 баробаригача 13 фоиз, 6 дан 10 баробаригача 18 фоиз, 10 баробаридан юқори бўлса, 25 фоиз миқдорида даромад солиғи ҳисобланади. 2008 йил 1 январидан эътиборан эса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи биринчи ва иккинчи шкала бўйича 1 фоизли, учинчи шкала бўйича 3 фоизли бандга пасайтириш, яъни ставкалар миқдори 12, 17 ва 22 фоизларни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Давлат бюджети муҳокамасида иштирок этар эканман, фермер сифатида аграр соҳага қаратилаётган доимий эътибордан ниҳоятда қувондим. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликларида ҳосилдорликни оширишга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда, тегишли молиявий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Хусусан, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасига 64 миллиард сўм миқдорида бюджет маблағи ажаратилиши кўзда тутилмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан икки ярим баробар кўп демакдир. Қолаверса, камҳосилли ерларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ҳажми ҳам икка марта ошади.

Хулоса қилиб айтганда, Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган қонунлар замирида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш акс эттирилган.

**М. ЗОҲИДОВА,**
**Қ. ХИДИРОВ.**
**Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

**Урганч шаҳрида 35 та маҳалла мавжуд. Шу кунгача уларнинг аксариятида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови уюшқоқлик билан ўтказилди.**

# Муносиб оқсоқоллар сайланмоқда

Мазкур сайловларнинг демократик тамойиллар ва ошкоралик руҳида ўтаётганлиги аҳамиятлидир. Асосан жойларда 3-5 нафар номзодлар кўрсатилган бўлиб, сайловчиларнинг вакиллари уларнинг энг муносибларини ёқлаб овоз бермоқда.

— Сайловга пухта ҳозирлик кўрдик, — дейди "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Урганч шаҳар бўлинмаси раиси Қодир Раҳмонов. — Сайловчилар ўртасида тарғибот ишлари қизғин олиб борилди. Мазкур тадбирларнинг қонунчилик талабларига мувофиқ, демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлаш мақсадида барча чора-тадбир кўрилди.

Оқсоқолликка номзодлари кўрсатилганларнинг барчаси олий маълумотли, халқ орасида катта обрў-эътиборга эга, эл-юрт ишига қайишадиган муносиб номзодлардир. Уларнинг орасидан маҳалла ободлиги, жипслиги учун қайғурадиган, ҳалол, муҳими, бошқаларни орқасидан эргаштира биладиган кишиларнинг сайланиши таъминланаётир.

Шаҳардаги "Бешмерган" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 790 та хонадон бўлиб, уларда беш мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Сўнгги йилларда бу ерда кенг кўламдаги ободонлаштириш, кўкаламлаштириш ишлари олиб борилгани диққатга сазовордир. Кўчалар обод, одамлар эса бир-бирларига елкадош. Яқинда маҳалла аҳли ташаббускор, одамларнинг қувонч ва ташвишларини эътибордан четда қолдирмайдиган номзодни ўзларига оқсоқол сифатида танлашди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Идоралараро комиссия йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи Э. Жўраев, ички ишлар вазирининг ўринбосари С. Нурматов ва бошқалар ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, эришилаётган натижалар, келгусидаги режалар ҳақида сўз юритиб, бу борада маҳаллалар, жамот ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида меҳнат қонунчилигига оид тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш зарурлиги хусусида тўхталдилар.

Фуқароларни иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни кучайтириш, жойлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Одам савдосидан жабр кўраётган юртдошларимизга ёрдам бериш юзасидан мутасадди идоралар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Парламент ҳаёти

***Ҳар бир кишининг, оиланинг энг олий мақсади — фарзандининг эркин, соғлом ўсиб-улғайиши, таълим олиши ва комил инсон бўлиб етишишидир. Бугун Юртбошимиз раҳнамолигида келажагимиз эгаларига давлат миқёсида ғамхўрлик қилишга, ўз навбатида, юқорида зикр этилган сифатлар билан камол топишига алоҳида эътибор қаратилаётир.***

# ИНСОН ШАЪНИ — МУҚАДДАС

*Бунинг учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида муҳокама этилиши мўлжалланаётган ҳужжатлар қаторида "Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор. Мухбиримиз ушбу ҳужжатнинг аҳамияти хусусида Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ билан суҳбатлашди.*

— Мамлакатимиз аҳолиси таркибида 17 ёшгача бўлганлар 44 фоизни ташкил қилади, — дейди сенатор. — Халқаро нормаларга мувофиқ, 18 ёшдан кичик шахслар "болалар" тоифасига кириши эътиборга олинса, бола ҳуқуқи масаласи республикамизда ниҳоятда долзарб масала эканлиги аён бўлади.

Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва порнографиясига тааллуқли мазкур Факультатив протокол Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг тўлдирувчисидир. Ушбу ҳужжатнинг предмети маълум даражада жорий йил Ўзбекистон ратификация қилган Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияда ҳам қамраб олинган. Бироқ ушбу Факультатив протокол мавзуни кенгроқ ёритади ва дунё давлатлари эътибори ва саъй-ҳаракатларини айнан болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясининг олдини олишга сафарбар этади.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўз резолюцияларида бола ҳуқуқи қўпол равишда поймол қилинишининг олти хил кўринишини таърифлаб берган. Бундай жиноятлар тоифасига болани ўлдириш ва зўрлаш, ўғирлаш, ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишга жалб этиш, улардан фоҳиша қуллар сифатида фойдаланиш, мактаб ва госпиталларга босқин уюштириш, шунингдек, болаларга гуманитар ёрдам кўрсатишга тўсқинлик қилиш киради. Афсуски, дунёда санаб ўтилган жиноятларнинг ичида болалардан фоҳиша қуллар сифатида фойдаланиш, шу жумладан, болалар савдоси, фоҳишабозлиги ва порнографияси ниҳоятда авж олган.

**— Инсониятни қийнаётган ушбу муаммонинг кўлами ва тарихий илдизи хусусида тўхталсангиз.**

— Умуман, порнография ҳодисаси халқаро миқёсда ўтган аср бўсағасида жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини торта бошлади. Инсоният порнографик материаллар глобал равишда тарқалиб бораётганини ва унинг таҳликасини англаб етди. Шу боис Миллатлар Лигаси 1910 йилдаёқ бу ҳолатга тегишли Баёнотда жиноий-ҳуқуқий тақиқ жорий этди. Бироқ декларатив характердаги бу ҳужжат етарли самара бермади ва 1923 йилда дунё ҳамжамияти Порнографик нашрларнинг муомалада бўлишини тўхтатиш тўғрисида Конвенцияни қабул қилди.

Энг ёмони, аср охирига келиб порнография ўз домига болаларни ҳам тортди. Натижада болаларни фоҳишабозлик мақсадида эксплуатация қилиш ва бола порнографияси аянчли тарзда ўсиб, глобал порносаноат шаклини олди. Норасмий маълумотларга кўра, дунё миқёсида порнография ва фоҳишабозликка жалб қилинган болалар сони 2-10 миллион нафарни ташкил қилади.

Албатта, ҳар қандай жамият учун болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги, жинсий эксплуатация ва болалар порнографияси инсон ҳуқуқларининг чидаб бўлмас равишда поймол қилиниши ва муқаррар қулликнинг бир шаклидир. Ҳатто фоҳишабозлик қонунийлаштирилган мамлакатларда ҳам болалар фоҳишабозлиги қонунга зид ва уларни бунга жалб қилиш, агар бу ихтиёрий шаклда амалга ошса ҳам, жиноий фаолият саналади. Чунки бутун дунёда биргина боланинг жинсий эксплуатацияга дучор бўлишининг ўзи жиддий муаммодир.

Болалар фоҳишабозлиги ва уларнинг жинсий эксплуатация қилиниши қай турда юз бермасин, ўз қурбонлари ҳаёти ва соғлиғи учун жиддий оқибатларга олиб келиши билан ҳам таҳликалидир. Унинг юз бериши болаларни нафақат одатдаги ҳаётдан, оила меҳридан жудо қилади, балки уларни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ўғрилик ва бошқа ижтимоий жиноятларни содир этишга ундайди.

Мутахассислар фикрига кўра, болалар фоҳишабозлигининг ривожланишида оилаларнинг иқтисодий ночорлиги жиддий рол ўйнаса-да, бу унинг кенг тус олиши учун асосий омил эмас. Чунончи, порносаноатга жалб қилинган болаларнинг 88,5 фоизини ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, тўхтовсиз жанжаллар замиридаги муаммолари бўлган, таъбир жоиз бўлса, "номақбул оила" фарзандлари ташкил қилади.

**— Маълумки, мамлакатимизда болалар ҳуқуқига доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Мазкур Факультатив протоколнинг ўзига хослиги нимада?**

— Мамлакатимизда болаларнинг асосий ҳуқуқлари – яшаш, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, шахсий дахлсизлик, уй-жойли бўлиш, таълим олиш, кўчиб юриш эркинлиги, нормал меҳнат шароитларига, ижтимоий таъминот ва хизматга эга бўлиш, саломатликни муҳофаза қилиш ҳамда тиббий ёрдам олиш, маданий бойликлардан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаб берадиган зарур қонунчилик базаси яратилган. Бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида бола ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун жавобгар бўлган институтлар тизими ҳам яратилган. Оналик ва болаликни ҳар жиҳатдан муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бир қатор умумдавлат дастурларининг амалга оширилаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз тизимида "беҳаёлик" ва "оғир гуноҳ" деб таърифланган фоҳишабозлик, порнография, бола, умуман, одам савдосининг барча кўринишлари каби ҳодисаларга қарши курашнинг ахлоқий замини ҳам мавжуд. Қолаверса, кейинги йилларда мамлакатимизда қатор ҳужжатлар — "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, парламент палаталари томонидан ратификация қилинган БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протокол сингари ҳужжатлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Шу жиҳатдан, Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар эътиборига ҳавола этилаётган Факультатив протоколга қўшилиш ташаббусини ҳам ушбу курашнинг мантиқий давоми деб аташ мумкин.

Мазкур Факультатив протокол, аввалaмбор, бола савдоси, болани беҳаё характердаги фаолиятда ишлатиш, шу жумладан, шу мақсадда таклиф этиш, қабул қилиш, шунингдек, бола фоҳишабозлиги ва порнографияси каби жиноятларни содир қилганлик учун жазонинг муқаррарлигини таъминлайди. Иштирокчи давлатларга бундай жиноятлар қурбони бўлган болалар ҳуқуқи ва манфаатини ҳимоя қилиш мажбуриятини юклайди. Улар шу ҳужжатда санаб ўтилган жиноятларни тергов қилиш ва очишда ўзаро ёрдам кўрсатадилар. Айниқса, мазкур протоколга қўшилган давлатлар ўз қонунчилигига, агар шу талаб қилинса, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши лозим бўлади. Ўзбекистон қўшилиши назарда тутилган Факультатив протоколнинг қоида ва талаблари миллий қонунчилигимиз ва қонуности ҳужжатларда ўз аксини топган.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур ҳужжатнинг ратификация қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан, бола шаъни ва қадр қимматини, энг муҳими, келажак авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур ҳуқуқлар доирасини кенгайтиради. Бу борадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

**Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Қисқартириш ҳисобидан қўшимча маблағ



***Финляндиянинг «Finnair» авиакомпанияси икки минг нафар ходимини вақтинча ишдан озод қилишга қарор қилди, дея хабар беради «AFP» ахборот агентлиги.***

«Finnair» вакили Танели Хассиненнинг сўзларига қараганда, бу режа кейинги йили амалга оширилади. Авиакомпания ортиқча харажатларни тежаб қолиш мақсадида шундай йўл тутишга қарор қилган. Жумладан, иш ўринларининг қисқартирилиши эвазига 50 миллион евро миқдоридаги қўшимча маблағ компания ҳисобида қолади.

Эслатиб ўтамиз, «Finnair» жорий йилнинг учинчи чорагида мўлжалдагидан 17,3 миллион евро кам фойда кўргани, натижада 400 нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилганди.

### Сабабчилар аниқланмоқда

***Ҳиндистон полицияси Мумбай шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ортида Покистонда фаолият кўрсатаётган «Лашкар-и-Тайба» террорчи гуруҳи турганлигини маълум қилди.***

Американинг «The Wall Street Journal» нашрининг ёзишича, мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари босқинчиларга тегишли уяли телефон аппаратларини қўлга киритишган. Сўзлашувлар текшириб кўрилганда жангарилар «Лашкар-и-Тайба» раҳбарларидан беш нафари билан мулоқот қилганлиги маълум бўлди. Улар орасида мазкур гуруҳнинг етакчиларидан бири Юсуф Музаммил ҳам бор.

Покистон ҳукумати ҳам қўпорувчилик ҳаракатини ташкил этишда Музаммилнинг қўли борлиги ва уни Ҳиндистон томони ушлаб бериш талаби билан чиққанлиги тўғрисидаги ахборотни тасдиқлади. Шу билан бирга, расмий Исломобод мазкур босқинчиликларда Покистондаги ҳукумат ташкилотларининг қўли йўқлигини таъкидлаб, текширув ишларида ёрдам кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

Маълумки, Мумбай шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ҳаракати оқибатида 188 киши ҳалок бўлди, 300 га яқин киши турли даражада тан жароҳати олди.

### Биржада кофе сотилади

***Эфиопия ҳукумати мамлакатдаги кофе етиштирувчи фермерларга ўз маҳсулотларини даллолларсиз биржалар орқали сотиш имкониятини яратиб берди. Бу ҳақда «BBC News» хабар тарқатди.***



Эфиопия хомашё биржаси ўз фаолиятини жорий йил бошида бошлаганди ва шу пайтгача савдоларда маккажўхори, ғалла, кунжут каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиларди. Ҳукуматнинг биржаларда энди кофе савдосини ҳам йўлга қўйишига 2007 ва 2008 йиллар давомида ушбу маҳсулот экспортидан мамлакат бюджетига 525 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ келиб тушгани сабаб бўлди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоиз, Эфиопия давлати кофе етиштириш бўйича Африка қитъасида биринчи ўринда туради.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# “Микрокредитбанк”: КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

MIKROKREDITBANK

***Республикамиз Президентининг “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссасини кўпайтириш борасида жуда муҳим ҳужжат ҳисобланади.***

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бундан икки йил аввал мазкур соҳани микросармоялаш учун ташкил этилган “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки бугунга келиб бутун республика ҳудудини қамраб олди. Юртимизнинг турли бурчакларида банкнинг 78 филиали, 272 мини-банки қизғин фаолият олиб бораяпти. Улар кичик тадбиркорликни микросармоялаш билан биргаликда аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Айни кунларда банк ажратган микросармоялар миқдори 120 миллиард сўмга етди. Банк тармоқлари 140 мингдан зиёд мижозлар билан тадбиркорлик борасида ҳамкорлик қилмоқда. Юртбошимизнинг янги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида республикамизда янада кенг уфқлар очади.

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки мижозлар билан олиб бораётган ҳамкорликда, аввало, кичик ҳажмдаги сармоялар билан кенг кўламдаги тадбиркорлик ишларини амалга оширишга эътибор қаратилаётгани яққол кўзга ташланади. Масалан, Сурхон воҳасининг энг чекка нуқталаридан бири — Музробод тумани марказида халқаро стандартлар даражасида мебель ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур “Тадбиркорфермерсервис” хусусий тадбиркорлик маркази ўз ишларини, аввалига, мазкур банкдан 5 миллион сўм микросармоя олиб, йўлга қўйган эди. Ёғоч маҳсулотлари ва мебеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган марказ каттагина корхона ташкил этди. Коллежлар, болалар боғчалари ва аҳолидан олинган дастлабки буюртмаларни сифатли ва ўз вақтида бажарган корхона тезда ўз мижозларини топа бошлади. Корхона олинган кредитларни ўз вақтида қайтариб, кейинроқ яна 10 миллион сўм микрокредит олди. Бу маблағ корхона фаолиятини кучайтирди. Шундан кейин чет элнинг замонавий мебель тайёрлаш дастгоҳлари билан жиҳозланиш учун 30 миллион сўмлик сармоя олинди. Ниҳоят, бугунга келиб, ушбу тадбиркорлик марказида энг замонавий усуллар билан 52 турдаги сифатли мебель ва бошқа ёғочсозлик буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.



— Корхонамиз “Микрокредитбанқ” кўмагида жадал ривожланиб бормоқда, — дейди унинг ташкилотчиси Мансур Зойиров. — Маҳаллий ёшларни дурадгорлик, мебелсозлик ҳунарига ўргатмоқдамиз. Ходимлар учун овқатланиш, маданий дам олиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятларини яратдик. Корхонамиз қошида Ёшлар маркази ташкил этмоқчимиз.

Умуман, “Ёшлар йили”да “Микрокредитбанк”, аввало, оилавий тадбиркорликка катта эътибор қаратди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш учун йил бошидан буён банк томонидан қарийб 12,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу сармоянинг 7 миллиард сўми ёш тадбиркорларга берилди.

Банкнинг мижозлари доирасига кириб борадиган бўлсангиз, уларнинг кўпчилиги мамлакатда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга ҳаракат қилаётганининг гувоҳи бўласиз. Хивалик тадбиркор Меҳрибон Маткаримова банкдан олган 500 минг сўмлик микросармоя эвазига қўшимча 17 иш ўрни яратган. Сармояга, асосан, ипак хомашё сотиб олинган. Хива ёдгорликлар мажмуи ичидаги мадрасалардан бирини эгаллаган корхона бу ерда экологик жиҳатдан озода меҳнат шароитини яратган ва асрлар давомида ўз қимматини йўқотмай келаётган Хива гиламлари тўқишни йўлга қўйган. Мадраса ҳовлисига кириб борганда, деворнинг ҳар жойида илинган турли рангдаги ипак тўпламларига кўзингиз тушади. Атрофдаги хоналарда эса ана шу ипак тўпламларидан гиламлар тўқилаяпти, кашталар тикилмоқда.

Бу ерда тўқилаётган гиламлар чидамли ва чиройли. Улар фақат табиий ашёлардан тўқилади. Гиламга турли рангдаги ипак ишлатилади. Ипакларнинг бўёғи ёнғоқнинг пўстидан, пиёзнинг пўстлоғидан, тут, олма ва бошқа дарахтлар япроғидан олинади. Хивага ташриф этган сайёҳлар, аввало, бу гиламларнинг яратилиш жараёни билан танишадилар ва уни жуда қадрлайдилар. Тадбиркор корхонанинг интернетда ўз сайти бор. Шу тарзда туристлар келишларидан илгариёқ уларга ўзлари ёқтирган рангдаги гиламларга буюртма бериш имконияти яратилган.

Тўрақўрғондаги “Сарвиноз – Саодат” фермер хўжалиги ўз тармоғини кенгайтирди ва иссиқхона қуриш учун банкдан 9 миллион сўм миқдорида микросармоя олди. Иссиқхона ишга тушиши билан бу ерда яна 6 та доимий иш ўрни яратилди. Мазкур иссиқхона Наманган шаҳри аҳолисини қишин-ёзин янги узилган мева ва сабзавотлар билан таъминламоқда.

Ёки, тадбиркор Абдумажид Бўронов банкнинг Жомбой тумани бўлимидан 5 миллион сўмлик микросармоя олиб, атиги 2 сотих келадиган ўз ҳовлисида товуқ асрашни йўлга қўйди. Ўрнатилган катакларда 500 та товуқ боқилаяпти.

— Уй паррандаларининг самараси уларни яхшилаб боқишга боғлиқ, — дейди А.Бўронов. — Ҳозир қарамоғимиздаги товуқларнинг 80 фоизи тухум бермоқда. Мен якка тадбиркор сифатида аҳолига кўплаб тухум ва сифатли товуқ гўшти етказиб беришга ўз ҳиссамни қўшаяпман.

Меҳнат натижалари кўзга ташланмоқда. Якка тадбиркор банкдан олган кредитларини ўз вақтида тўлаяпти. Муҳими, бугун унинг товуқ боқадиган замонавий цех очиш учун моддий имкониятлари ва тажрибаси етарли.

Микросармояларнинг хайру баракаси тўғрисида яна кўп гапириш мумкин. Банк кичик тадбиркорликка имкони, ғайрати ва маҳорати бор мижозларни топиш борасида катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу йўналишда етарли тажриба тўпланди. Аввало, аҳолининг турли қатламлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Айниқса, аёллар, ёшлар, касаначилар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу ишда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати банкнинг мададкори бўлдилар. Улар билан ўзаро келишувлар имзоланди ва доимий ҳамкорлик олиб борилди. Бугун чет қишлоқларда “Микрокредитбанк” билан ҳамкорликда иш бошлаган кичик корхоналар яратаётган халқ истеъмол моллари мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини кўпайтиришга бевосита ёрдам бермоқда.



Банк тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида ташвиқот ишларининг хилма-хил шаклларидан фойдаланмоқда. Масалан, кўргазмали семинарлар, танловлар уюштирилмоқда. Жорий йилнинг ўзида “Микрокредитбанк” сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!” шиори остида Паркент, Пахтаобод, Шеробод, Элликқалъа туманларида кўргазмали семинарлар бўлиб ўтди. Бу семинарларда тадбиркорлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятлари билан танишдилар ва самарали ҳамкорлик йўлйўриқларини ўргандилар.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши муносабати билан банк “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа” кўрик-танловини эълон қилди. Унинг туманлар даражасидаги босқичига тадбиркорлар томонидан 595 лойиҳа тақдим этилди. Кўрик-танловнинг ўз ғолиблари билан бир қаторда “Энг ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган лойиҳа”, “Қишлоқдаги энг яхши замонавий маиший хизмат кўрсатиш объекти” ва “Аёл тадбиркор томонидан тақдим этилган замонавий хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги лойиҳа” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланади. Хуллас, кўрик тадбиркорлик маҳорати намойишига айланади.

Банк “Ёшлар йили” муносабати билан “Ёш тадбиркорлар томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа” кўрик-танловини ҳам эълон қилди. Унинг туман босқичида 385 нафар ёш тадбиркор ўз лойиҳалари билан иштирок этди. Ғолиблар учун учта ўрин ажратилади. Кўрик-танловда “Энг чекка қишлоқдаги тадбиркор томонидан тақдим этилган лойиҳа”, “Энг ёш тадбиркор аёл томонидан тақдим этилган лойиҳа” ва “Миллий ҳунармандчилик йўналишидаги энг яхши лойиҳа” номинациялари бўйича ғолиблар ҳам аниқланади.

Давлатимиз раҳбарининг “Микрокредитбанк” фаолиятини янада кенгайтириш борасидаги Фармони тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес соҳаси равнақи учун кенг моддий имкониятлар яратади. Пировардида, банк тадбиркорлар билан ҳамкорлик борасида ўзининг ҳозиргача қўлга киритган ва синовдан ўтган ташкилотчилик фаолиятининг шакл ва усулларини янада кенгайтириши зарур бўлади. Бу ишда кўргазмалар, семинарлар ва кенг кўламдаги реклама тадбирлари муҳим роль ўйнайди.

Агар банк томонидан 2008 йилда амалга оширилган ишлар кўламига назар ташлайдиган бўлсак, микромолиявий хизматлар кўрсатиш жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига қараганда 154,4 фоизга ўсгани кузатилади. Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида аёл тадбиркорларга 10,3 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобига 12 минг 29 та янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, уни жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароит яратишда банкнинг иштирокини ва тадбиркорлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш галдаги ғоят муҳим вазифалардан ҳисобланади. Фармонда банк устав капиталини 72 миллиард сўмга кўпайтириш ва уни 150 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, тадбиркорлар учун қулайликлар билан биргаликда катта имтиёзлар ҳам яратилади. Масалан, айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида бериладиган микрокредит Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланди. Фермерларга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги микросармоянинг йиллик фоизи 3 фоиз, кичик бизнес субъектларига энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача миқдорда бериладиган лизингнинг йиллик фоизи 5 фоиз миқдорида белгиланди.

Шу кунларда банк янги меъёрлар билан иш юритиш ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида тузилган янгича режалар асосида иш бошлади. Унга кўра, айни кунларда барча туман ва вилоятларнинг марказларида семинарлар ўтказилмоқда. Шундай семинар-кўргазмаларнинг биринчиси яқинда мамлакатимизнинг чекка туманларидан бири — Элликқалъада бўлиб ўтди. Банкнинг тумандаги мини-банки филиалга айлантирилди. Йиғилишда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 10 миллион сўмдан иборат микросармояси «Дилшод-Диёрбек» масъулияти чекланган жамият раҳбари Давронбек Қобуловга топширилди.

Кўргазмали семинарда, шунингдек, банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан берилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари эвазига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган халқ истеъмол моллари кўргазмаси намойиш этилди.

Банкнинг тадбиркорлик субъектларини моддий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлаши республикамизда ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга, кичик корхоналарнинг замонавий техника ва технология билан яхшироқ қуролланишига, халқимиз учун сифатли ва ҳаётий зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғини ошириб, янги ишчи ўринлари яратилишига омил бўлмоқда. “Микрокредитбанк” сармоялари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни узлуксиз қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш воситалари сифатида ватанимиз иқтисодиётининг юксалиши йўлида фаол ишлайверади.

**Рашид РАУПОВ.**


Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

**2008 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига қуйидаги мулклар қайта қўйилмоқда:**

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Хоразм автойўл» махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонасига қарашли бўлган, Урганч шаҳри, Бинокор (Обводная) кўчаси, 1-йўлак, 8-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1382,27 кв.метрни ташкил қилган, 20 кишилик меҳмонхона типида қурилган, 2 қаватли тураржой биноси.

Бошланғич баҳоси — 422 209 219 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека» банки, «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-32-63. Факс: (8-362) 226-43-64.**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

РКМБ савдоларига ишонч доим мустаҳкам!



DRIVE YOUR DREAM

*РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР —*
«GRAND MOTORS» МЧЖ
TOYOTA ва LEXUS
русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади.

Кафолат:
TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 минг км.;
LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 минг км.

Тўлов шакли — турлича. Лизинг.



Автосалон манзили: Тошкент ш., Беруний к., 2-уй.
Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33.
E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.



Жиззах вилояти Адлия бошқармаси томонидан 1997 йилнинг 22 декабрида рўйхатга олинган Жиззах вилояти “Маҳаллий саноат” ҳудудий ишлаб чиқариш савдо акционерлик компанияси тугатилади.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида

**Жиззах шаҳри, Ф. Юсупов кўчаси, 74-уйда қабул қилинади. Тел: 223-81-02.**



ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ “КЧМ”
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:
товар сертифицирован форма оплаты-любая

КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru



ООО “Росагропромснаб” предлагает:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА
ультразвуковые “Гобой-1”
Цена - от 1 365 000 сум.



ТЕПЛОПРИБОР

| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м³/час | Максим. расход, Qмин, м³/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток “Шухрат”)

Товар сертифицирован



“INTEGRAL ASIA”
17” мониторли
P4 компьютерлари



Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади.
«Актив инвест» кредит иттифоқи кўмагида.

Тошкент ш., Фарғона йўли к., 13/12,
тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.

Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net
www.integr-asia.com



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

# ҚАДРИЯТНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЧЕВАРЛАР



**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан..." деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Мазкур танловнинг якуний босқичи ҳамда миллий ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси пойтахтимиздаги 1-Тошкент педагогика коллежида бўлиб ўтди.**

Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида ғолиб деб топилган ёш ҳунармандлар ва уларнинг устозлари иштирок этдилар.

Ёш авлодни миллий анъаналаримизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, бебаҳо маънавий меросимиз намуналарини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбир ёш ҳунармандлар истеъдодини намоён этишга хизмат қилди.

Кўргазмага қўйилган, асосан, қўл меҳнати билан яратилган бетакрор услубдаги миллий либослар, қадимий нусхалари тикланган ранг-баранг бош кийимлар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

— Икки йилдирки, "Шаҳрисабз ироқи каштачилиги" хусусий корхонасида дизайнер бўлиб ишлайман, — дейди танлов қатнашчиси Лола Ҳамроева. — Ўзим дўппидўзлар сулоласининг бешинчи авлодиман. Ҳунарим ортидан республика ва халқаро миқёсда ўтказилган бир неча танловларда иштирок этишга муяссар бўлдим. Тиккан дўппи ва сўзаналарим билан Германия, АҚШ, Франция, Англия, Италия ва Испания давлатларида ўтказилаётган кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келаяпман. Бугунги танловда иштирок этиш эса мени янада илҳомлантирди. Унда юртимизнинг ҳар бир ҳудудига мос, бир-бирини такрорламайдиган санъат намуналари билан яқиндан танишиб, уларнинг тарихи ва ўзига хос мазмун-моҳияти хусусида янада кенгроқ тасаввурга эга бўлдим.

2008 йил — Ёшлар йили

Кўрикнинг гран-при соврини 1-Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Доно Азимова ва унинг шогирди Мафтуна Акромовага насиб этди. Андижон шаҳридаги 34-мактаб директори Ҳилола Саминова ҳамда ушбу мактаб ўқувчиси Хайринисо Иброҳимова эса биринчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова иштирок этди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Одам савдоси бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган муаммолардан биридир. Ҳадҳудуд билмайдиган бу жиноят, афсуски, мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ.




# «...ТОРТАДУРМАН ЖАБРИНИ»

Юртдошларимиз орасида хорижда ишлаб даромад топиш илинжида бўлганларнинг айримлари алдов ва нафс қурбонига айланмоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш эса ҳар биримиздан огоҳликни талаб этади.

Куни кеча Ўзбек миллий академик драма театрида тақдимоти бўлиб ўтган "...Тортадурман жабрини" спектаклида ҳам айни шу мавзу акс эттирилган. Тилаб Маҳмудов ҳамда Дилбар Маҳмудова қаламига мансуб ушбу асарда алданган қиз-жувонлар, уларнинг яқинлари чеккан азоб-уқубатлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбек миллий академик драма театрининг актёрлари — Маҳмуд Исмоилов, Шоҳида Исмоилова, Жамшид Зокиров, Муқаддас Холиқова, Шодия Тўхтаевалар юксак маҳорат билан талқин этишган.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт

## Рустам Умаров — уч карра жаҳон чемпиони

***Ноябрнинг сўнгги ҳафтасида Того пойтахти Ломс шаҳрида ўтказилган белбоғли кураш бўйича VII жаҳон чемпионатида республикамизнинг ўн нафар вакили гиламга тушиб, саккизта медалга эга бўлишди.***

Полвонларимиз қўлга киритган ягона олтин медаль Тўрақўрғон кураш мактаби тарбияланувчиси Рустам Умаровга тегишлидир. Учинчи бор жаҳон чемпиони мақомига эришган курашчи 73 килограммгача бўлган вазндаги полвонлар билан беллашди.

— Олис Африкада беш қитъанинг 46 мамлакатидан ташриф буюрган 400 нафар полвон иштирокидаги нуфузли спорт анжуманида жонажон юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз ҳилпиради. Бу шарафга шогирдим, кураги ерга тегмаган полвон Рустам Умаровнинг матонати билан эришилганидан бошим осмонда, — дейди кураш мактаби директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Неъматжон Тўйчиев.

**Н. ҚУДРАТИЛЛАЕВ.**

## «Камолот» шахмат доскаси»



***Гулистонда "Камолот" шахмат доскаси" анъанавий турнирининг республика босқичи якунланди.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан ташкиллаштирилган мазкур мусобақанинг қуйи босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги коллеж, академик лицей ва умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 5 минг нафардан ортиқ иқтидорли шахматчилар иштирок этди. Якунда эса ана шу босқичдан муваффақиятли ўтган эллик нафардан ортиқ шахматчи бош соврин учун кураш олиб борди.

14-16 ёшли иштирокчилар ўртасидаги шахсий биринчиликда самарқандлик Феруза Хурсандова, 17-18 ёшли шахматчилар баҳсида тошкентлик Севара Боймуродова ва хоразмлик Мақсад Сапаровлар биринчи ўринни эгаллашди.

Умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти шахматчилари шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Иккинчи ўрин Тошкент, учинчи ўрин эса Сирдарё вилояти вакилларига насиб этди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

## Ҳакамлар синови

***Хабарингиз бор, футбол бўйича 2010 йили бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатига Жанубий Африка Республикаси мезбонлик қилади.***

*Айни пайтда, ана шу мусобақага жалб этилиши мумкин бўлган ҳакамлар ҳам жиддий кўрикдан ўтказилмоқда.*

*Куни кеча Сингапурда жаҳон чемпионатида ёрдамчи ҳакам вазифасини бажаришга даъвогар бўлган ўн беш нафар Осиё қитъаси номзодларининг қисқа муддатли ўқув-йиғин машғулоти ўтказилди. Улар орасида ўзбекистонлик Абдуҳамидулло Расулов ва Рафаэль Илёсовлар ҳам бор.*

*Номзодларнинг ўн тўрттаси жисмоний тайёргарлик бўйича тест синовларини муваффақиятли топширдилар. Фақат жароҳати борлиги сабабли, австралиялик Бен Уилсон синовдан ўта олмади.*

*Танловдан муваффақиятли ўтган ҳакамлар келгуси йили ФИФА ва ОФК томонидан ташкиллаштириладиган мусобақаларга жалб этилади.*

## Номзодлар сараланди

***Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида ушу бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Ғолибларга Индонезияда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмаси берилиши сабабли барча вазн тоифасида курашлар қизғин кечди. Беллашувлар якунида 250 нафар қатнашчи орасидан Д. Ибрагимов, И. Умаров, Д.Тиллаев, Э. Раҳимов, Ж. Боймуҳаммедова, К. Ғафурова, О. Кармазина, М. Эшмуродова ва З. Аделшиналар ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритдилар.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

Спорт ● Sport ● Спорт

# БЕЛЬГИЯДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

***Брюсселда мамлакатимизнинг «Orient Voyages» ва «Afsona Travel» сайёҳлик компаниялари ҳамда юртимизнинг Бельгиядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Тадбир давомида иштирокчиларга мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси, мустақиллик йилларида туризм соҳасида олиб борилган ислоҳотлар, сайёҳликнинг тарихий, маданий, экстремал ва экологик йўналишларида амалга оширилган ишлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Учрашув қатнашчилари юртимизнинг тарихий ва меъморий обидалари, диққатга сазовор жойлари, сайёҳлар орасида машҳур бўлган йўналишлар, Ўзбекистонга виза олиш тартиблари билан танишдилар.

Йиғилганлар мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ва юртимизнинг гўзал шаҳарлари, қадимий ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Welcome to Uzbekistan» ҳужжатли фильмини катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Учрашув якунида қатор иштирокчилар тадбирдан олган таассуротлари билан ўртоқлашди.

«VZW Reis -& Opleidings Centmm» сайёҳлик компанияси директори Миа Богарт хонимнинг сўзларига кўра, у Ўзбекистонда бир неча бор бўлганига қарамай, ҳар сафар мамлакатимизнинг янги-янги жиҳатларини ўзи учун кашф этади. Шу билан бирга, Богарт хоним мамлакатимизнинг нафақат меъморий ва маданий қадриятлари, балки, бекиёс анъаналарга бой юрт эканини ҳам таъкидлаб ўтди.

«Охирги йилларда Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар юртингизга келаётган сайёҳлар сонининг ортиб бориши имконини беради», — деди М. Богарт.

Нидерландиянинг «Visa Solutions» компанияси раҳбари Ларе Вольф унинг компанияси Марказий Осиё мамлакатларига сайёҳлик турларини ташкил этиш билан шуғулланишини айтди.

«Ўзбекистон ўзининг ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси, қадимий ва ўзига хос маданияти, самимий ва меҳмондўст халқи билан кўп сонли сайёҳларни жалб қиладиган диёрдир, — деди ишбилармон. — Айни пайтда Бенилюкс мамлакатларидан Ўзбекистонга боришни истаган сайёҳлар сони ўтган йилларга қараганда бир неча баробар ўсди. Бу каби тадбирлар ажойиб юртингизга ошиқаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилади».

Бельгиянинг «Transorient» компанияси директори Андре Гахел Ўзбекистон дунё ва Европа сайёҳлик бозорида ўзининг ноёб мамлакат эканлиги билан алоҳида ажралиб туришига урғу берди. Кўп асрлик тарихга эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари Европалик кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этади.

«Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон дунёнинг энг гўзал мамлакатларидан бири бўлиб, бунга ўзбек халқининг қадимий ва бетакрор маданияти билан яқиндан танишишни хоҳловчи сайёҳлар сонининг мунтазам ортиб бориши ҳам яққол мисол бўла олади» — деди А.Гахел.

**«Жаҳон» АА.**

## Суратлар ҳикоя қилади

Сирдарё томонларда

Вилоят ички ишлар бошқармаси қошида иш бошлаган "Шон-шуҳрат музейи"да жамланган фотолавҳа, портрет, теле ва видеотасвирлар милиция ходимларининг Мирзачўлни ўзлаштиришдаги фаолияти, шунингдек, мустақиллик йилларидаги фидокорона меҳнатини акс эттиради.



Музейни барпо этишда ички ишлар тизимида узоқ йиллар самарали фаолият юритган меҳнат фахрийси Турсунбой Раҳмонов бош-қош бўлди.

## Замонавий зиё масканлари

***2008 йил — Ёшлар йилида Сирдарё вилоятида 22 минг нафар йигит-қиз таълим оладиган 52 та ўрта мактаб таъмирдан чиқарилди.***

Жумладан, 20 та мактабда мукаммал реконструкция ишлари бажарилган бўлса, 22 таси эса мукаммал таъмирланди.

Бу мақсадлар учун жами 17,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Таъмирдан чиқарилган умумтаълим муассасаларига 4 миллиард 220 миллион сўмлик компьютер, мебель ва спорт анжомлари олиб келинди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ҳаётимизда шундай ўзгаришлар содир бўлмоқдаки, юзаки қараганда, ҳаммаси табиий ҳолдай кечаётганга ўхшайди. Аслидачи? Мустақиллик берган имконият, янгича қарашлар туфайли халқимизнинг бунёдкорлик қудрати мисли кўрилмаган натижаларда намоён бўлмоқда.***

# Ишлаб чиқариш ва таълим ҳамкорлиги

Ўзбекистон — Швейцария "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳасининг бош мақсадидир



Дилимизда шундай фикр уйғонади: юртимизда рўй бераётган ислоҳотларни илғаш учун ён-атрофга эзгу ният билан назар солиш керак. Ўзгаришларни юракдан ҳис қилиш ҳар бир ватандошимизга куч-қувват бахш этади.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида қад ростлаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари янги замон рамзига айланиб қолди. Лекин гап фақат ташқи кўринишдами? Бу замонавий кошоналар бағрида халқ хўжалиги учун зарур мутахассислар дунё андозаларига монанд ўқув дастурлари асосида ўқитилмоқда. Юртимиздаги бир неча коллежларда татбиқ этилаётган Ўзбекистон — Швейцария "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси ана шундай интилишлар сирасидандир. Бугунги кунга келиб лойиҳанинг биринчи босқичи муваффақиятли жорий этилиб, иккинчи босқич доирасида иш олиб борилмоқда.

Лойиҳа ижросига назар ташлайдиган бўлсак, таълимга эътиборнинг янги қирраларига гувоҳ бўламиз. Лойиҳанинг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон — Швейцария "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси ҳамкорлигида Андижон вилоятидаги учта пилот коллежи танлаб олинди ва ҳудуддаги маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Меҳнат бозори таҳлили ва маҳаллий корхоналар талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, иш берувчи ҳамкор корхоналар вакиллари ҳамда лойиҳа таркибидаги пилот коллеж ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда "Автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва созлаш" мутахассислигига оид меъёрий ҳужжатлар ва ўқув услубий адабиётлар яратилди.

— Бизнинг асосий мақсадимиз касб-ҳунар коллежлари ва корхоналар ўртасида ҳамкорлик моделларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга кўмаклашишдан иборат, — дея ўз фикрини билдирди лойиҳанинг халқаро раҳбари жаноб Г. Д. Хопфнер.

Ўқув машғулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари билан интеграциялашган ҳолда ташкил этиш ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ўрганиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида лойиҳа томонидан тажрибавий касб-ҳунар коллежлари базасида умумий қиймати 310 минг АҚШ долларига тенг бўлган ўқув лаборатория хоналари ҳамда устахоналари барпо этилди.

Пилот коллежларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича янги ёндошувлар ишлаб чиқилди. Ҳар бир амалиётчи ўқувчи учун ҳамкор корхоналардаги ишчи ўринлари аниқланиб, амалиётлар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилди. Ушбу гуруҳларнинг амалиёт ўтказиш жойлари ҳамда муддатлари корхона мутахассислари ва коллеж ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган махсус жадваллар асосида олиб борилди. Амалиётни муваффақиятли тамомлаган ўқувчиларга ҳамкор корхоналар томонидан тегишли касбий кўникмаларга эга бўлганлиги ҳақидаги махсус сертификатлар берилди.

"Ўзбекистон — Швейцария касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳасининг иккинчи босқичида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларида янги 17 та пилот коллежлари танлаб олиниб, ўша ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатилди. "Автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва созлаш" пилот мутахассислиги ва унга турдош мутахассисликлар бўйича 600 нафардан ортиқ ўқувчи танлаб олинди. Касбга оид махсус фанлар бўйича ўқув қўлланмалари ва ўқув дастгоҳлари билан, мавжуд ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар ва ўқув лаборатория хоналари таъминланди. Айни вақтда, ўқувчиларга фан ва техника тараққиётининг энг охирги ютуқлари ва илғор педагогик технологияларга асосланган ҳамда ўз миллий қадриятларимиз билан йўғрилган ўқув адабиётларидан фойдаланилган ҳолда таълим бериб келинмоқда.

Лойиҳа доирасида ташкил этилган Германия сафарида бўлган Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежи директори Эркул Имомбердиев ўз таассуротлари

▼ **Миллий дастур ниҳоллари**



билан ўртоқлашар экан, касб-ҳунар коллежлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш келгусидаги ютуқлар гарови эканлигини таъкидлади. Лойиҳанинг иккинчи босқичида кўзда тутилган мақсадларидан яна бири касб-ҳунар коллежларнинг негизида Минтақавий касбий тайёргарлик марказларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу Минтақавий марказларнинг мақсади иш билан банд бўлмаган ва ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ошириш, замонавий технологик жараёнлар билан таништириш, халқаро стандартларга мувофиқ таълим бериш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари томонидан берилган буюртмалар асосида иқтисодиётнинг реал сектори соҳалари ва тармоқларида талаб қилинадиган мутахассисликлар бўйича ишчи кадрларни, уларни кейинчалик ишга жойлаштириш кафолати билан қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш, шунингдек, минтақа касб-ҳунар коллежлари махсус фан ўқитувчиларининг касбий кўникмаларини ривожлантириш бўйича таълим ҳизматларини кўрсатишдан иборат.

Бундай марказлар фаолиятини янада ривожлантириш ва ижтимоий ҳамкорлик бўйича халқаро донор ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон — Швейцария "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси ташаббуси билан шу йилнинг 4-5 декабрь кунлари **"Касб-ҳунар коллежлари ва ҳамкор корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш"** мавзуида донорлар тажриба алмашинув конференцияси бўлиб ўтади.

Ишончимиз комилки, мамлакатимизда таълим самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган қадамларда "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси ва лойиҳа доирасида Минтақавий касбий тайёргарлик марказларининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши кўнгилдаги натижаларни беради.

**Дилшод УСМОНОВ.**

Интилиш

## Чироқчининг «Сарбон»и

*Қарши шаҳрида ошхона ва меҳмонхона бизнеси билан танилган "Sarbon LTD" компанияси Чироқчи тумани марказида "Сарбон" хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширди. Унинг таркибида замонавий меҳмонхона, ресторан, ҳаммом, тўйхона бор.*

*Бу ерда 50 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Эндиликда, туман аҳолиси ва меҳмонларга замон талаби даражасида хизмат кўрсатилаётир.*

***Б. НОРҚОБИЛОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси фалсафа кафедраси мудири, доцент А. Насриддиновга қизи
**Сайёра НАСРИДДИНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, Касаба уюшма қўмитаси Физика ўқитиш методикаси ва атмосфера физикаси кафедрасининг доценти Мавлуда Зоҳидовага падари бузруквори
**АБДУКАРИМ отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Даварх итектқурилиш" қўмитаси жамоаси Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Ш. Давроновга волидаи муҳтарамаси
**ФУЗАЛЛО аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзкоммунхизмат" агентлиги жамоаси бош директор Ўткур Холмуҳамедовга укаси
**Ғайрат ХОЛМУҲАМЕДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.50 7